

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ТАРИХИ ВА МАДАНИЯТИ

давлат музейи илмий
ходими Д.Юлдашева.

“Хамса” – Алишер Навоий ижодининг қалбидир



Навосиз улуснинг навобахши бўл

Навоий ёмон бўлса, сен яхши бўл!

Ҳазрат Навоий

Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи Адабиёт кўргазмалар залида Алишер Навоийнинг “Хамса” асари деворга чизилган. Ушбу чизилган асар мойбўёқда ишланган .Ўлчами 2.70x3.20 . XV-аср жаҳон маънавиятининг буюк сиймоси Низомиддин Мир Алишер Навоий ҳижрий 844 йил Рамазон ойининг 17-куни (1441 йил 9 февраль)да Ҳиротда туғилган. Ҳирот

шаҳри XV аср биринчи ярмида Соҳибқирон Амир Темур асос солган улуг салтанатнинг иккинчи пойтахти, Темурнинг кенжа ўғли Шохрух Мирзонинг қўл остидаги обод манзилларидан бири эди. Алишер туғилган хонадон Темурийлар саройига азалдан яқин ва юртда муайян нуфуз соҳиби эди. Йирик маънавий сиймо сифатида дунёга танилган. Алишер Навоий сиёсат оламида ҳам нодир шахслардан бирига айланганини дўсти Ҳусайн Бойқаро ҳамда халқнинг эътирофидан англаш мумкин. 1472 йил февралида Бойқаро дўстининг норозилигига ҳам қарамай, уни вазир лавозимига тайинлайди ва «Амири Кабир» («Улуг Амир») унвонини беради. Бу лавозимда Навоий эл-улус манфаати, шаҳар ва мамлакат ободончилиги, маданият равнақи, адолат тантанаси учун фойдаланадики, буларнинг барчаси пировард натижада Султон Ҳусайн давлатининг барқарорлиги ва нуфузини таъминлайди. Ҳирот бу даврда ниҳоятда кўркамлашди, халқ турмуши яхшиланди, шеърят, нафис санъатлари ривож олди. Бу жаҳон маънавияти тарихида бетакрор ҳодисадир. Туркий адабиётда Қутб ва Ҳайдар Хоразмийлар бошлаб берган «хамсачилик» анъанаси ўзининг камолини Алишер Навоий ижодида топди. Ислом ақидаларига кўра бир кечакундузда ўқиладиган беш вақт намоз «ал-Ҳамсату» дейилади, динимизнинг беш устун (рукни) ҳам тавҳид (имон), намоз, рўза, закот, ҳаж – ўзига хос «Ҳамса» (бешлик)ни ташкил этади. Демак, Низомий дostonларининг «Ҳамса» туркуми сифатида талқин этилиши, унга Амир Хусрав ва Навоий жаноблари бежиз эмас. Алишер Навоий «Садди Искандарий» дostonининг муқаддима қисмида бу масалага махсус тўхталиб, «Ҳамса»нинг ҳар бир дostonи ёзилишини куннинг маълум вақтларида ўқиладиган саҳар, пешин, аср, шом ва хуфтон намозлари билан қиёс этади ҳамда «Ҳамса»ни буюк тоғ чўққисига кўтарилиш мобайнида беш ўринда тўхтаб, нафасни ростлаш учун бино этилган беш оромгоҳга ўхшатади. Навоий «Ҳамса»ни яратишга 1483 йилда киришган бўлса, унинг биринчи дostonи «Ҳайрат ул-аброр» («Яхши кишиларнинг ҳайратланиши»)ни ўша йили ёзиб тугатди. 1484 йилда «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр» («Етти сайёр»), 1485 йилда «Садди Искандарий» дostonини

поёнига етказди. Шоир ўз «Хамса»сига киритилган дostonларда ўша давр учун мухим бўлган муаммоларни кўйди, мутафаккир сифатида илғор қарашларни илгари сурди, ўзбек тилининг қудратини оламга намойиш этди. Навоийнинг туркийча «Хамса»сининг яратилиши XV асрда Хуросон эли учун фавқулodда шодумонлик ва саодат сифатида қабул қилинди. Даврнинг икки қутби – маънавият пири Жомий ва буюк султон Хусайн Бойқаронинг ҳайрати ва юксак эътирофи ушбу ҳақиқатга далилдир. Навоий шу йиллар орасида иккинчи девони – «Наводир ун-нихоя» («Беҳад нодирликлар»)ни тузишга киришди. Мутафаккир адиб тарихий ҳақиқатга ҳам муайян изчилликда ўз муносабатини билдириб ўтишни инсоф юзасидан лозим топди ва «Зубдат ут-таворих» («Тарихлар қаймоғи») асарини ёзиб тугатди. 1487 йили қишда Навоий Астробод ҳокими этиб тайинланди. Бошқа бек ва амирлар учун шарафли ҳисобланиши жоиз бўлган бу мартаба Амир Алишернинг нозик табиати учун муайян даражада озорли бўлди. Аммо шоҳ ҳукми вожиб, Амири Кабир ўлканинг ҳассос бир ҳудудини муҳофаза ва обод қилиш ниятида жўнаб кетди. Астрободда Навоийнинг икки йил чамаси ҳокимлиги бу шаҳар аҳли учун саодатли, Бойқаро салтанати учун хайрли бўлди. Одами эрсанг демагил одами Ониким йўқ халқ ғамидин ғами, дея ёзган ҳазрат Навоий кучли давлат арбоби ҳам эди. У 1469–1472 йилларда муҳрдор, 1472–1476 йилларда вазир, 1487–1488 йилларда Астрободга ҳокимлик қилди. Ушбу йиллар давомида шахзодалар ўртасидаги турли низоларни чиройли, одилона ҳал этиб, кўплаб қонли тўқнашувларнинг олдини олди. Ҳокимлик даврида эса доимо халқ билан мулоқотда бўлиб, уларнинг талаб ва эҳтиёжларини ўрганди. Эл-юрт манфаати йўлида кўплаб мадрасалар, ҳаммомлар, йўллар, кутубхоналар қурдирди. Сув етмаган ҳудудларга сув олиб бориб, янги каналлар қаздирди, эскиларини таъмирлатди. Илмга ташна ёшларни қўллаб-қувватлади. Бунини ўз ҳаётлари ҳамда фаолиятлари орқали исботлай олди:

Алишер Навоийнинг Хамса асарининг ғоявий йўналиши “Хамса”да инсонпарварлик асосий ўринни эгаллайди. Навоий инсонни олий қадрият деб билади. Унинг асарларида:

- Адолат ва инсоф
- Илм ва маърифат
- Мухаббат ва вафо
- Маънавий камолот каби ғоялар марказий ўрин тутди.

Бадий хусусиятлари .

Навоий асарда ташбех, истиора, рамз ва қиёс каби бадий воситалардан мохирона фойдаланган. Асар тили равон, муסיқий ва тасирчан. Қахрамонлар характери чуқур психологик тасвир орқали очиб берилган. Навоий табиат манзаралари, ички кечинмалар ва мухаббат холатларини юксак маҳорат билан тасвирлайди.

“Хамса” туркий адабиётни янги босқичга олиб сиққан асардир. У туркий тилди ҳам юксак бадий асарлар яратиш мумкинлигини исботлади.

Фойдаланилган Адабиётлар:

- Алишер Навоий “Хамса”.
- Навоий асарлар тўплами
- Ўзбек адабиёти тарихи.
- Низомий Ганжавий “Хамса”.